

## ИМЖИН УРУШИ ҚАҲРАМОНИ, ҚЎМОНДОН ЛИ СУН СИННИНГ КОРЕЙС АДАБИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ирода Санъат қизи Тохирова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада корейлик ҳарбий арбоб, денгиз қўмондони, Имжин уруши қаҳрамони Ли Сун Синнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот тақдим этилган. У нафақат ҳарбий қўмондон шу билан бир қаторда моҳир шоир бўлганлиги эътироф этилган.*

**Калим сўзлар:** *Имжин уруши, корейлик, ҳарбий, қўмондон, денгиз, кема, халқ, адабиёт, шоир.*

### ABSTRACT

*This article provides information about the life and work of Lee Sun Sin, a Korean military man, naval commander, and hero of the Imjin War. It is recognized that he was not only a military commander, but also a skilled poet.*

**Key words:** *Imjin war, Korean, military, commander, sea, ship, people, literature, poet.*

### КИРИШ

Корея тарихи, маданияти ва тил ҳамда адабиётига қизиқиш охириги йилларда ортиб бормоқда. Бунга сабаб ёшлар бир эмас, балки бир неча хорижий тилларни ўрганишга иштиёқи ошиб бораётганидир. Ҳозирги кунда кузатадиган бўлинса, уч ёки тўрт хорижий тилларни мукамал билувчи кадрлар сони кўпайиб бормоқда. Шунингдек, хорижий давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида қатор ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу сабабли нафақат корейс тили, тарихи балки корейс адабиётига оид тадқиқотлар қилиш учун ҳам имкониятлар юзага келди.

Ушбу мақолада Корея ҳарбий адмиралли, денгиз қўмондони, Имжин уруши қаҳрамони Ли Сун Син ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз боради.


### МУҲОКАМА

Кўпчилик уни ҳарбий қўмондон сифатида танийди, лекин унинг адабиётга ҳам қизиқиши катта бўлгани ва қатор шеърлар ёзганидан хабардор эмас. У 1545 йил 8 мартда Сеул шаҳрида туғилган. Ли Сун Син болалигидан Конфуций таълимотини ўрганиб, ўн икки ёшидан ҳарбий ишларни пухта эгаллай бошлади ҳамда от миниш, ўқ отишда тенгдошлари орасида ўзининг ноёб қобилияти боис

ажралиб турган. Олий ҳарбий тайёргарликни Сеулдаги Қироллик ҳарбий мактабида олган. 1576 йилда Ли Сун Син давлат ҳарбий имтиҳонларини аъло даражада топшириб, 1591 йилда Чолла вилоятининг чап қирғоғи денгиз кучлари қўмондони этиб тайинлангунга қадар, ўн беш йил давомида вилоятда паст лавозимларда хизмат қилган. Ўша пайтда Кореяда флотга фақат ташишга хизмат қилувчи транспорт учун зарур бўлган ёрдамчи транспорт воситаси сифатида қаралган. Аммо бўлажак адмирал бошқача фикрда эди, шунинг учун у Кореянинг жанубий қирғоқлари мудофаасини кучайтиришга киришди.

Унинг раҳбарлиги остида қирғоқбўйи ҳудудлари ва оқимларини ўрганиш амалга оширилди. Эътиборсиз қолган ишлар тартибга келтирилиб, флотни мустаҳкамлашга қаратилган ишлари олиб борилди.

Ли Сун Син лойиҳасига кўра, “кобуксон” (거북선) зирҳли кемаси қурилган бўлиб, “Кобуксон” ихтироси кейинчалик Европада жанговар кемалар қурилишига асос бўлган.



Бундай кеманинг шакли тошбақага ўхшарди. Экипажни душман оловидан ҳимоя қилиш учун юқори палуба темир билан қопланган. Ёнлари бўйлаб ўткир шохдор темир таёқчалар ҳимоя вазифасини ўтаган. Душманга қарата ўқ отиш учун ён томонларда 12 та камон ва орқа томонда биттадан тешик ишлатилган. Кема эшкак эшкаклари билан ҳаракатлантирилган. У маневрлик ва сезиларли тезликка эга эди. Ушбу фазилатлар туфайли “кобуксон” ўз даврининг кемаларидан анча устун бўлган.

Корея қўшинлари қуруқликда мағлубиятга учраган бўлса-да, денгизда вазият бутунлай бошқача эди.

Сеул кулагандан сўнг, 1592 йилнинг ёзида Ли Сун Син кўмондонлиги остидаги флот кучли тўплар билан жиҳозланган 85 та кемадан иборат бўлиб, улар орасида дунёдаги биринчи “тошбақа кемалари” (“кобуксонлар”) бор эди. У узокдан жанг қилиш тактикасини танлаб, ўз флотининг хусусиятларидан фойдаланишга қарор қилган. Корея артиллерияси япон кемаларига зарба берганида, уларга қарши япон кемасидан оловли шишалар улоқтирилади, аммо корейсларнинг “тошбақа кемалар”и оловга дахлсиз бўлганлиги сабабли, бу зарбаларни қайтара олган. Шундай қилиб, кобуксон тезлик ва катта олов кучи билан ажралиб турган. Ўрта асрларда ўртача кема ўлчамлари узунлиги тахминан 19,5 м, кенлиги 5 м ва баландлиги 2,3 м эди. Энг катта “тошбақа кема” эса узунлиги тахминан 30 м. бўлиб, кобуксон дунёдаги биринчи зирҳли ҳарбий кемага айланди<sup>1</sup>.

Биринчи юришдан бир неча кун ўтгач, Корея флоти душманнинг 42 та кемасини, иккинчи уруш кампанияси бир ойдан камроқ вақт ўтгач содир бўлган, унда 72 та, учинчи юриш пайтида – 100 дан ортиқ кемани ва 40 кундан кейин тўртинчи юриш пайтида – 100 дан ортиқ япон кемаларини вайрон қилган<sup>2</sup>.

1592 йилда японларнинг Кореяга бостириб кириши пайтида Генерал Ли Сун Син флоти иштирок этган барча денгиз жангларида ғалаба қозонган.

Хансандо денгиз жангида Корея флотида адмирал ярим доира ичида япон рақибларини чалғитиб, флотнинг ўз позициясида “Ҳакикчин” тактикасини қўллаган. Ушбу ҳарбий тактикада қўлланиладиган оловли ўқ отиш кучи сирини фақатгина XX асрда маълум бўлганлиги боис, ҳозирги кунда ҳам бу тактикани ўрта асрларда қўлланилгани, ҳарбий олимларни ҳайратда қолдирмоқда. Ли Сун Син денгиз йўлида ҳукмронликни ўрнатгани боис, Япония армиясини зарур маҳсулотлар билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келган, албатта бу урушнинг давомийлигини ўзгартира олган.

Хансандо денгиз жангидаги ғалаба натижасида Чосон сулоласининг денгиз флоти такомиллаштирилган. Жангдан сўнг Ли Сун Син Чосон сулоласи денгиз флотининг доимий ҳарбий кўмондони бўлиб, Япониянинг Кореяга бостириб киришидаги сўнги ҳал қилувчи Норян кўрфазидаги денгиз жангида қатнашган. Бу жангда Корея Япония флотини мағлуб этган. Ҳарбий кўмондон Ли Сун Син Норяндаги денгиз жангида оғир яраланиб, ўзининг ўлими яқинлигини сезгач, ёнидаги кишиларга ўлимини сир тутилиши кераклигини уқтириб, ҳаммани хабардор қилишни таъқиқлаган. Бунда у оғир ҳолатда ҳам, ватанини ҳимоя қилиб, қўшини орасида саросималаниш ҳамда тарқоқлашиш юзага келмаслиги учун ҳаракат қилган. Унинг ўз ватанини ҳимоя қилишдаги мардонавий кураши

<sup>1</sup> Курбанов С.О. История Кореи: с древности до начала XXI в. СПб.: Изд-во С-Петербур. ун-та, 2009., - С.118-119

<sup>2</sup> Хан В. С. История Кореи. – Ташкент: «Baktria press», 2013. – С. 76-79

ҳақида ҳозирги кунда ҳам фильмлар суратга олинб, бир неча тилларга таржима қилинган.

Имжин уруши (1592-1598) япон босқинчиларининг корейсларга қарши кураши натижасида ватанпарварлик лирикаси намуналари яратилган. Бу даврда йирик давлат арбоби ва саркардалардан Ким Чон Со(1390-1453), Нам И(1441-1468), Ли Сун Син (1545-1598) бир неча шеърлар ёзганлар.

Ҳарбий қўмондон Ли Сун Син ҳам ханмун-қадимги хитой ёзув тилининг корейслашган шакли венянда қуйидагича ёзган:

- 한문(ханмун-қадимги хитой ёзув тилининг корейслашган шакли венян):

閑山島 月明夜 上戍樓

撫大刀 深愁時,

何處一聲羌茄 更添

閑山

Ватанпарварлик ғояси Ли Сун Син ижодида бўрттириб намоён қилинган.

- 현대어:

한산섬 달밝은 밤에 수루에 혼자 앉아

큰 칼을 옆에 차고 깊은 시름하는 적에

어디서 일성 호가는 나의 애를 굶느니.

*Бу тунда мен қилич билан қуролланиб*

*Хансан оролида соқчиликда бўлдим.*

*Кузатиб минораси узра ой балқиди,*

*Мени чуқур ҳасрат чулғади...*

*Аммо бирдан душман найининг овози янгради –*

*Ва юрагимга пичоқ санчгандек бўлди.*

Бу сичжодан кўриниб турибдики, у корейс тилидаги ушбу шеърда Хансандо ороли яқинидаги ҳал қилувчи денгиз жанги арафасида флот бошлиғининг фикрлари, ўйлари баёни натижасидир.

Бу уруш ҳамда унда иштирок этган халқ қаҳрамонлари ҳақида ватанпарварлик ғояси асосида кўплаб “сичжо” жанридаги шеърлар ёзилган.

Россия Федерацияси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг Санкт Петербург филиалида Д 47 (Ф 81) рақамли шифрда Корейнинг энг кўзга кўринган саркардаси, XVI охирида юртига бостириб кирган япон қўшинларига қаршилиқ кўрсатган ватанпарвар қаҳрамон Ли Сун Синнинг расмий ва шахсий ҳужжатлари нашрининг ноёб нусхаси сақланади.

Узоқ Шарқ минтақаларида машхур, рус шарқшуноси ва дипломати Л.А. Дмитревский томонидан келтирилган бу қимматли тарихий манба XIX аср охирида қўлга киритилган бўлиб, уни 1907 йилда Осие музейи ихтиёрига топширилган, сўнг 1930 йилда ушбу музей СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига айлантирилган<sup>1</sup>.

Нашр 15 та китоб(квон) дан иборат бўлиб, ўрта чизикда юқоридан пастгача сарлавҳа тўлиқ ҳажмда катта ҳажмда босилган: “Ли Чхунму гун чонсо”, бу сўзма-сўз “Ли Чхунмунинг тўлиқ ҳужжатлари” деган маънони англатади. “Чхунгму” сўзма сўз “Содиқ жангчи” маъносини англатиб, бу номни 1643 йилда қирол Инжо 1592-1598 йилларда япон босқинчиларига қарши озодлик урушида машхур бўлган қўмондон Ли Сун Синнинг вафотидан кейин берган.

“Ли Чхунмун гун чонсо” таркибига киритилган ҳужжатлар қуйидагиларга бўлинади:

Флот қўмондони Ли Сун Син ҳаёти ва фаолиятига оид материаллар тўпламининг энг бошида “Бошланғич китоб” номи билан жойлаштирилган. Унда “Қироллик фармонлари”, “Тасвирлар билан тушунтиришлар”, “Насабнома” ва “Хронологик жадвал” каби бўлимлари мавжуд.

“Биринчи китоб” номли кейинги китобда 1592-1598 йиллардаги япон босқинчиларига қарши уруш пайтида Ли Сун Син томонидан ёзилган 15 хил эслатма, хат ва шеърлар бор. Шунингдек, бу ерда 30 дан ортиқ мисралар ва Ли Сун Синга бағишланган хотиралардан турли ёзув парчалари жойлаштирилган.

Ўрганилаётган манбанинг марказий қисми 2-4 китобларда берилган. Унда Ли Сун Синнинг Чанге умумий сарлавҳаси остидаги расмий ҳужжатларини ўз ичига олади. Ўрта асрларда “Чанге” сўзи – сарой амалдорлари, вилоят губернаторлари, қуруқлик қўшинлари ва флот қўмондонларининг қирол номига ариза, ҳисобот, меморандум ва бошқалар кўринишида ёзиладиган расмий ҳужжатлари тушунилан. Худди шу шахсларнинг шахзода номига ёзган расмий ҳужжатлари “чандал” деб аталган.

Бу ерда флот қўмондони Ли Сун Син томонидан тўртинчи ойнинг 15-куни – Ваньли 20-йили(1592 йил 25-май)нинг тўртинчи ойнинг 20-куни, яъни Ваньлининг 22-йили (1594 йил 8 июн)га қадар ёзилган 71 та ҳужжат тўпланган.

Ушбу ҳужжатларнинг барчасида Ли Сун Синнинг мамлакатни япон босқинчиларидан қутқариш йўлида курашиш учун барча мавжуд воситаларни қўллаш зарурлиги ҳақидаги асосий ғояси мужассамланган. Ҳужжатларда кучли флот яратиш, уни қурул-яроғ ва озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳамма жойда адолат армияси сафларини ташкил этиш, флот ва қуруқликдаги қўшинлар

<sup>1</sup> Хван И. И. Собрание официальных и личных бумаг флотоводца Ли Сун Сина// Письменные памятники Востока. М.: Наука, 1970. - С. 232

ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга эришиш истаги сингдирилган. Кўпгина ҳужжатлар тўғридан-тўғри уруш давридаги флотнинг жанговар ҳаракатларига бағишланган.

Ли Сун Син томонидан ушбу расмий ҳужжатларни тузишда фойдаланилган асосий материалларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: турли ҳарбий ҳаракатлар пайтида Ли Сун Синнинг шахсий кузатишлари, иштирокчилар ва гувоҳларнинг оғзаки ҳикоялари; ҳарбий бошлиқлар, разведкачилар ва аскарлар, тинч аҳолининг душман ва унинг орт қисмидаги аҳволи тўғрисидаги ҳисоботлари; душман асирлигидан озод қилинган асирга олинган япон ва корейсларнинг гувоҳликлари; айрим туман ва туманлар аҳолисининг айрим масалалар юзасидан мурожаатлари; қирол ва унинг саройининг барча мумкин бўлган буйруқлари, жанубий учта вилоят ҳокимлари ва ҳарбий бошлиқларининг расмий хатлари ва ниҳоят, Кореядаги юқори мартабали Мин қўмондонларининг буйруқлари кўринишидаги ёзма манбалар<sup>1</sup> (“Ли Чхунму гун чонсо”(Ли Чхунмунинг тўлиқ ҳужжатлари) 3-китоб, л. 366. ).

Ли Сун Синнинг қоралама ёзувлари икки қисмдан иборат: 1. “Нанжун илги чо” – “Уруш кундаликлари қораламаси” ва 2. “Имжин чанг чо” – “Сувнинг аждаҳо акаси йилининг расмий ҳужжатлари қораламаси”.

Биринчи бўлим Ли Сун Син томонидан 1592 йил 10 июнидан 1598 йил 6 октябргача бўлган баъзи узилишлар билан ёзилган ёзувларга асосланади. Бу ёзувлар 7 дафтардан жой олган.

Китобнинг иккинчи бўлимида Ли Сун Син томонидан қирол Сонжо ва унинг саройи девонхонасига 1592 йил 25 майдан 1594 йил 11 мартгача юборилган 66 та расмий ҳужжатларнинг қораламалари мавжуд. Олдинги дафтарлардан фарқли ўлароқ, бу ерда варақнинг деярли ҳар бир олд томонида ўша даврдаги Чолладо вилоятининг чап қаноти флоти қўмондони Ли Сун Синнинг қизил муҳри сақланиб қолган. Расмий ҳужжатларнинг ушбу қораламалари шак шубҳасиз, муҳим манбадир. Кундаликларидаги ёзувларга қараганда, Ли Сун Син ҳисоботларда келтирилган материалларни танлашга ҳам, расмий ҳужжатлар дизайнига ҳам жиддий эътибор қаратган<sup>2</sup>.

Дастлаб у маълумотларни йиғиб, сўнг зарур қўшимча ва тузатишлар киритиб, шундан сўнг матнни тўлиқ қайта ёзган. Шунинг учун ҳам Ли Сун Синнинг расмий қоғозлари қораламалари анча тўлиқ ва маълум бир илмий қизиқиш уйғотади. Бу маълумотлар матндаги бўшлиқларни тиклаш ва бошқа манбалар билан солиштириб, фактларни аниқлаш имконини беради.

<sup>1</sup> “Ли Чхунму гун чонсо”(Ли Чхунмунинг тўлиқ ҳужжатлари) 3-китоб, л. 366.

<sup>2</sup> Хван И. И. Собрание официальных и личных бумаг флотоводца Ли Сун Сина// Письменные памятники Востока. М.: Наука, 1970. - С. 238

Ушбу тўпламнинг сўнги қисми (9-14-китоблар), 60 дан ортиқ турли хил характердаги парчалар (денгиз кўмондони ҳаёти, шеърлар, Ли Сун Син билан боғлиқ хотиралар бошқалар)ни ўз ичига олган “Иловалар”дан иборат<sup>1</sup>. Бу иловалар орасида Ли Сун Синнинг ҳаёти ва фаолиятига алоқадор кўпгина маълумотлар унинг жияни Ли Пуна томонидан ёзилган.

Кўриб чиқилаётган тўплам хитой классик ёзуви(венян)нинг корейслаштирилган “ханмун” тилида ёзилган.

Ли Сун Синнинг расмий ва шахсий ҳужжатларини нашр қилиш масаласи биринчи марта 1792 йилда Кореяда Хидэеси кўшинларига қарши уруш бошланганининг 200 йиллигини нишонлаганида кўтарилган. Чунки бу урушнинг ғалаба билан тугашига катта ҳисса қўшган бош қаҳрамон Ли Сун Син эди. Бу масала кўтарилганидан 3 йил ўтгач, 1795 йилда ярмини қирол шахсий хазинаси, иккинчи ярми ҳарбий бўлим ғазнаси ҳисобидан қоплангач, босмаҳона Ли Сун Синнинг бу ёзма маълумотларини “Ли Чхунму гун чонсо” номи билан чоп этган. Босмаҳонанинг асосан қирол ва унинг саройи учун мўлжалланган барча нашрлари сингари, у ҳам бор-йўғи 19 нусхада чоп этилган ва нашр этилганидан кейин бир неча йил ўтгач, у библиографик нодир нашрга айланган.

Ҳозирда Корея, Япония ва бошқа мамлакатларнинг қадимий китоблари ва қўлёзмаларининг чоп этилган каталоглари ва тавсифларига қараганда, 1795 йил нашрининг фақат икки нусхаси сақланиб қолган: улардан бири Сеул университетининг қўлёзма китоблари сақланувчи бўлимида (унинг пастки ўнг бурчагида чўзинчоқ тўртбурчак Негак муҳри - “Босмаҳона муҳри” бор), иккинчиси эса Россия Федарацияси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг Санкт Петербург филиалида бўлиб, бу нусхада кимга тегишли эканлигини билдирувчи белги мавжуд эмас.

Ли Сун Синнинг энг яхши кўрган ибораси ҳали ҳануз корейс халқи орасида юради:

“죽고자 하면 반드시 살고 살고자 하면 죽을 거시다”

Агар ўлишни истасанг, яшашинг керак, яшашни хоҳласанг унда ўласан. Бу ибораси билан у, корейс халқини япон босқинчиларига қарши курашда руҳлантириб, уларга ўлимдан кўрқмаслик даркорлигига ундаган.

Ушбу иборани қуйидагича тушуниш мумкин: “Омон қолишга интилганлар ўлади, ўлимдан кўрқмаганлар омон қолади”. Бу шиор билан Ли Сун Син аскарларини шижоатлантириб турган.

Кейинчалик ҳам ватан қаҳрамонларини улуғлаб қатор “сичжо” жанрида шеърят билан бир қаторда тарихий романлар ҳам ёзилган. Шундай

<sup>1</sup> Ўша китоб. – С.236

романлардан бири Ким Хонгга тегишли бўлиб, бундан аввал ҳам катта шуҳрат қозонган тарихий романлар ёзган. Улардан бири Корея миллий қаҳрамони, адмирал Ли Сун Син ҳаётига бағишланган.

Умуман, корейс адабиётида ҳам, бошқа жаҳон адабиётида бўлгани каби ватанни улуғлаш, ватанпарвалик ғоясини тараннум этувчи қатор асарлар бор.

### ХУЛОСА

Демак, денгиз флоти адмиралли Ли Сун Син корейс халқини япон босқинчиларига қарши курашга ундаб, муқаррар бўлиб турган мағлубиятдан, “кобуксон” кемасида пухта тактикани қўллаган ҳолда ғалаба қилишларига эришган.

Ли Сун Синнинг “Ли Чхунму гун чонсо”, “Ли Чхунмунинг тўлиқ ҳужжатлари” деб номланган тўплами 15 та китобдан иборат бўлиб, унда нафақат расмий маълумотлар, ўша давр тарихини акс эттирувчи ҳужжатлари, балки қўмондоннинг шеърлари ҳам ўрин олган.

“Ли Чхунму гун чонсо”нинг 1795 йил нашридан ҳозирги кунда фақатгина 2 та нашри сақланиб қолган.

Ли Сун Синнинг бир ибораси: “죽고자 하면 반드시 살고 살고자 하면 죽을 거시다”- “Омон қолишга интиланлар ўлади, ўлимдан кўркмаганлар омон қолади” ҳали хануз корейс халқи орасида қўлланилади.

Ли Сун Син нафақат моҳир денгиз флоти қўмондонлигини кўрсатди, балки халқини севувчи, ватанпарвар раҳнамо, истеъдодли шоир эканлигини ҳам намоён қилган. Унинг шеърлари жанг майдонида тўқилгани боис, ўша даврда табиий кучга ҳам эга бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Андропова Л.А. Культура Кореи. Ч.1. Томск: Изд-во Томского политехнического университета.2014. – С. 127-128
2. Курбанов С.О. История Кореи: с древности до начала XXI в. СПб.: Изд-во С-Петербур. ун-та, 2009.,
3. В.Н.Ким, Пак И.Л., Сайдазимова У.Т. Литература страны изучаемого языка (Корея): учебное пособие. - Ташкент, 2009.  
[https://superinf.ru/view\\_helpstud.php?id=332](https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=332)
4. В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010
5. Хан В. С. История Кореи. – Ташкент: «Baktria press», 2013.
6. Хван И. И. Собрание официальных и личных бумаг флотоводца Ли Сун Сина// Письменные памятники Востока. М.: Наука, 1970. - С. 238